

► **Мавзу-5. Фавқулодда вазиятда фуқоралар муҳофазаси ҳақида асосий тушунчалар, уларнинг турлари**

► **РЕЖА:**

► **1. Фавқулотда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси тушунчаси**

► **Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси тушунчаси, уларнинг турлари**

Калит сўзлар: фавқулодда вазият, ҳудуд, аҳоли, шикастланиш ўчоғи, киргин қуроллари, зилзила, сув тошқини, ер сурилиши, сел, авария, фожеали ходиса, ҳимоя иншоотлари, эпидемия.

“Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди”

И.А. Каримов

Ўқиладиган курснинг ўзига хос томонларидан бири шундан иборатки, унда махсус умумдавлат тармоқ ва адабий атамалар кўплаб ишлатилади.

Шунинг учун бутун матн давомида бу уч, тўрт сўзлардан иборат атамаларни қисқартирма от сифатида ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабдан бу ерда уларнинг айрим энг кўп учрайдиганларини келтиришни лозим топдик


Фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ходиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият.

► **Аҳоли ва ҳудудларни фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш** - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф етиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.

► **Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** - олдиндан ўтказилиб, фавқулодда вазиятлар рўй бериши, хавфини имконқадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда еса одамлар соғлиғини сақлаш,

атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

- ▶ **Фавқулодда вазиятларни бартараф етиш** - фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни ҳалқага олиб, хавfli омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.



Фавқулодда вазият (ФВ) – бу маълум ҳудудда авария, фалокат, табиий ёки экологик офат, эпидемия, эпизоотия, епифитотиялар натижасида содир бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган, одамлар ўлимига ёки касалланишига олиб келувчи ёки атроф–муҳитга таъсирли зарар келтирувчи ва одамларнинг ҳаётини фаолиятини бузувчи вазиятдир.

ФВ ни чеклашда давлатлараро чегаралар тўсиқ бўлмайди. Шунинг учун “Худуд” атамасига ФВ ларни чеклаш миллий ва давлатлараро дастурлар ишлаб чиқиш вақтида маълум мазмун берилади.

“Худуд” – бу ер, сув ва ҳаводан ташкил топган макон ёки унинг бирқисми, ишлаб чиқариш ва махсус объект, ҳамда бизни ўраб турган муҳит.

“Аҳоли” – бу ФВ ёки унинг оқибати таъсиридаги худудда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролик ҳуқуқи бўлмаган ва чет ел, ҳамда ФВ оқибатларини тугатишдақатнашаётган одамлардир.

“Шикастланиш ўчоғи” - бу ФВ нинг зарарли ва ҳавфли омиллари таъсири остида жойлашган аҳоли, ҳайвонлар, иншоотлар ва моддий ресурслардир.

“Қирғин қуроллари” – бу жуда катта миқёсда вайронгарчилик ва йўққилиш учун мўлжалланган қуроллардир.

“Табиий офат” – бу табиатда юз берадиган фавқулодда ўзгаришлар бўлиб, тезликда инсонларнинг мўътадил яшаш, ишлаш шароитларининг бузилиши, одамларнинг ўлими ҳамдақишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ва моддий бойликларининг йўқ бўлиб кетиши билан тугайдиган ҳодисалардир.

“Зилзила” – бу ер ости зарбаси ва ер устқиқатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, тектоник жараёнлар туфайли юзага келади.

“Сув тошқини” – бу дарё, кўл, ҳовузлардаги сув сатхининг кескин кўтарилиши натижасида маълум майдонлардаги ерларни сув тагидақолишига айтилади.

“Ер сурилиши” – бу тоғ жинслариқатламлариникия сатх бўйлаб ўз оғирлиги, гидродинамик, гидростатик, сейсмик кучлар таъсирида сурилишидир.

“Сел” – бу тоғ дарёлари ўзакларида тўсатдан юзага келувчи, сув, тоғ жинслари бўлаклари аралашмасидан иборат лойқа ёки лой–тошли оқимдир.

“Авария” – бу бажарилаётган ишнинг бирдан тўхтабқолиши, ёки саноат корхоналарида ишлаб чиқаришининг издан чиқиши, транспортда ва бошқа объектларда моддий бойликларнинг бузилиши, ёки йўқ бўлишидир.

“Фожеали ҳодиса” – бу маълум бир вақт оралиғида содир бўладиган фалокатдир.

“Ҳимоя иншоотлари” – бу фуқароларни табиий офатлар, авария, халокат оқибатларидан ҳамда қирғин қуроллари таъсиридан ва уларнинг иккиламчи таъсири омилларидан сақлайдиган бошпаналардир.

“Эпидемия” – юқумли касалликларнинг маълум худуддақайдқилинган ўртача касалланиш даражасидан кўп миқдорда тарқалишидир.

Фавқулодда сўзни оддий халқ тили билиш айтганда одатдаги ҳаётий воқеалардан чекиниш деб тушунилади.

Биз ФҲ фанида кенг маънода кўпчилик одамларнинг ҳаётига ва соғлиғига хавф туғдирувчи сабабларни тушунаимиз.

ҲФХ фани назариясининг айрим элементларини эслайликчи:

1. ҲФХ нинг асосий аксиомаси – ҳар қандай фаолиятда яширин хавф бор ва кишининг ҳаётида хавфлар узлуксиз ҳарактерга эга;
2. Хавфларнинг макон ва замонда ноаниқлиги, яъни бу шундай кучки, унинг юзага чиқиши учун маълум шароит мавжуд бўлиши керак;
3. Яширин хавфларни юзага чиқиш шароити сабаб деб аталади, булар ҳар вақт мавжуд ва маълум ёки номаълум бўлиши мумкин;
4. Сабабларни билиш, уларнинг ўхшашлик тамонларини аниқлай олиш ФВларнинг олдини олишнинг асосидир.

Шундай қилиб, яширин хавф сабаблар туфайли жамият учун нохуш оқибатлар (одамларнинг ўлими, моддий зарарлар, экологик талофатлар ва ҳ.к.) тарзида содир бўладиган воқеалар ФВ деб аталади.

Шундай экан, кишилиқ жамияти ФВ ларда ўз-ўзини сақлаб қолиш заруриятини тушунган ҳолда, олдиндан пухта ўйлаб, ҲФВ ни таъминлашга қаратилган тадбирлар қабул қилади.

ФВ шундай ҳодиса, жараёнки унинг аломатлари, ривожланишининг бир неча ўтимлари ва оқибатлари бўлади.

ФВ лардан ҳимоялаш қуйидаги тадбирлар системасини ўз ичига олади:

- Ретроспектив таҳлил, яъни ўтмишга назар ташлаган ҳолда таҳлил қилиш;
- Тайёргарлик ишларини ўтказиш;
- ФВ давридаги ҳаракатларга тайёргарлик кўриш;
- Оқибатларни тугатиш.

Фавқулодда вазиятлар муаммоси кўп жихатларни ўз ичига олади, шу билан бирга тинчлик ва уруш вақтидаги ФВ ларнинг пайдо бўлиши ҳам шуни ҳисобга олган ҳолда ФВ ларга умумий ҳарактеристикани бериш мумкин, бу табиий офат ишлаб чиқариш аварияси, транспортдаги фалокатлар, экологик фожиялар, уруш даврида душман томонидан турли қуролларни қўллаш ва шу воқеаларнинг аҳолининг ҳаётини фаолиятини ёмонлашувига, иқтисодий зарарларга ижтимоий ва табиий фожияларга олиб келувчи омиллардир.

Ҳар бир ФВ ўзининг физик моҳиятига, фақат ўзига хос пайдо бўлиш сабабаларига, ҳаракатлантирувчи кучига, ривожланиш, одамга ва унинг яшаш муҳитига таъсир қилиш характерига эга.

Шундан келиб чиқиб ФВ ларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- пайдо бўлиш сабаби бўйича;
- тарқалиш тезлиги бўйича;
- жароҳатловчи омилларнинг тарқалиш масштаби бўйича;

1. Пайдо бўлиш сабаби бўйича ФВ ларни қуйидаги синфларга ажратиш мумкин:

- табиий офатлар;
- техноген фалокатлар;
- антропоген ва экологик фожиялар;
- ижтимоий-сиёсий низолар;

Муҳокама учун саволлар:

1. Фуқаро ҳимояси фани нимани ўрганади?
2. “Фавқулодда вазият” тушунчаси нимани англатади?
3. ФВ лардан ҳимоялаш тадбирлар системасини нималарни ўз ичига олади?
4. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi- T.: “O‘zbekiston”, 1992
2. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori.- T.: “SHarq”, 1998.
3. Karimov I.A. O‘zbekiston XX1 asr bo‘sag‘asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari.-T. O‘zbekiston ,1997 .
4. Nigmatov I., Tojiev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. Darslik – T.: Iqtisodiyot moliya. 2011. - 260 b.
5. Tojiyev M., Nigmatov I. Hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma –T.: Tafakkur - Bo‘stoni“ 2012 .- 271 b.
6. Yuldashev O‘.R., Djabbarova Sh., Xasanova O.T. Hayot faoliyati xavfsizligi. Darslik –T.: “Iqtisodiyot” 2014. - 268 b.
7. Christer Pursiainen ”Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?”, Stockholm, Sweden 2008.
8. Friend, Mark A. Fundamentals of occupational safety and health / Mark A. Friend and James P. Kohn.—4th ed. 2007. 596
9. Сычев Ю.Н. Безопасность жизнедеятельности в чрезвычайных ситуациях: учебно-практическое пособие / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. — М., 2005. — 226